| **«Тасдиқланган»** | **«Рўйхатга олинган»** |
| --- | --- |
| Акциядорлар Умумий йиғилишининг | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| 2018 йил 29 сентябрдаги 4 – сонли баённомаси | 2018 йил «5» октябрь 48-7 – сон |
| Банк Кенгаши Раиси | Раиснинг биринчи ўринбосари |
| ________ А.И. Ахмедхаджаев | ________ Т.А. Ишметов |

# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Тошкент - 2018 й.

**АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.**

1. ***Банк Уставининг 1.4. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

1.4. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у юридик шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавобгар бўлади. Банк, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширади, иқтисодий, фуқаролик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2. ***Банк Уставининг 4.2.6. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

4.2.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда шубҳали ва умидсиз деб таснифланган активлар бўйича уларнинг реал ҳолатини баҳолаш мақсадида, захиралар ташкил этиш.

3. ***Банк Уставининг 5.5. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

5.5. Банкнинг соф фойдаси унинг тасарруфида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича банкнинг захира фондини ва бошқа фондларини шакллантиришда фойдаланилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

4. ***Банк Уставининг 7.17. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

7.17. Банк кенгаши 9 нафар аъзодан иборат бўлади. Банк Кенгаши ушбу Уставда назарда тутилган тартибда умумий йиғилиш томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

5. ***Банк Уставининг 7.37. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

7.37. Банк бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, банк Бошқарувининг аъзолари Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида банк Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Банк Бошқаруви аъзолари таркибига Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари киритилиши мумкин.

6. ***Банк Уставининг 9.2. - банди қуйидаги таҳрирда ба¨н этилсин:***

9.2. Банкнинг молия хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш банкнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) аъзоси таркибида 1 (бир) йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

**Бошқарув Раиси** **К. Ирисбекова**